

СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ
ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

Ilm-kelajagimiz ravnaqidir

СУРХОНДАРЁ: ИЛМ ВА ТАФАККУР
SURXONDARYO: ILM VA TAFAKKUR
СУРХАНДАРЬЕ: НАУКА И МЫШЛЕНИЕ
SURHANDARYA: SCIENCE AND
CONTEMPLATION

Ilmiy maqolalar jurnali

N-3 2020

Таъсисчилар;

**Сурхондарё фан ва технологияларни
ривожлантириш маркази.**

Термиз давлат университети

Ҳар чоракда 1 марта чиқади.

Jurnal 25-05-2020 yil. №-11-079 raqami
bilan ro‘yxatga olingan.

Ommaviy axborot vositasi davlat
ro‘yxatidan o‘tkazilganligi to‘grisida
GUVOHNOMA N-11-079.

My.gov.uz. Yagona interaktiv.
davlat xizmatlari portalı.
N 8102-325e-cd96—f50a-53b3-3119-7970

Hujjat yaratilingan sana: 2020-05-25.

Ariza raqami: 19051279.

НАШР ИНДЕКСИ 190-111.

ЖУРНАЛ
«ADAD PLYUS» МЧЖ матбаа
бўлимида чоп этилди.
Тошкент шахри, Чилонзор тумани,
Бунёдкор кўчаси 28-й.

Босишга руҳсат этилди: 02.06.2020.
Қоғоз бичими 60x84_{1/8}.
Босма табоги 14.5.
Офсет босма. Офсет қофози. Адади 100.
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма № 13.

Таҳририят манзили:
Сурхондарё вилояти Термиз шахри
“Баркамол авлод” кўчаси 43 уй.
tursunovsafullo12@mail.ru
Тел: 876 22 3 07 66.
+99 891 577 90 50,
+99 894 200 49 55.

Бош муҳаррир:

Главний редактор:

Chief Editor:

Турсунов Сайтулла Нарзуллаевич
Тарих фанлари доктори, профессор
Термиз давлат университети

Бош муҳаррир ўринбосари:

Заместитель главного редактора:

Deputy Chief Editor:

Қобулов Эшболта Атамуродович
тарих фанлари доктори
Термиз давлат университети

Журналнинг илмий котиби:

Пардаев Тошкенбай Ражабович
тарих фанлари номзоди
Термиз давлат университети

**ТАҲРИР
ХАЙЪАТИ:**

Тошқулов Абдуқодир Раҳмонов Чори
Ашурев Адҳам, Тўраев Баҳодир,
Сатторов Абдусамат, Бўриев Ҳасан,
Аллаков Исмоил, Мирсобиров Мираҳмат,
Бакиров Поён, Алланов Қилич,
Тўраев Ҳайит, Тилеуколов Гауҳар,
Тўраев Эргаши, Ҳайитов Шодмон,
Норбошева Мехри, Алиқулов Рустам,
Хуррамов Алишер, Ёдгоров Эшимўмин,
Сайдов Илҳом, Мирзаев Ибодулло,
Сайдов Бахтиёр, Панжиеев Нормамат,
Хасанов Абрай, Жабборова Шоира,
Гоффоров Шокир, Чориев Иргаши,
Муртозаев Бобоназар, Эшов Баҳодир,
Авазов Эргаши, Ҳотамов Очилди,
Худойқулов Абдулла, Тўхтаев Абдугани,
Кодирова Дилбар, Холиқов Зокир,
Эрдоноев Муҳаммади, Умирқулов Бекпўлат,
Раҳмонов Абдумалик. Зокиров Холмат.

**ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:**

МУТАХАССИСЛАР ВА УНИНГ АГРАР СОҲАДАГИ ТАҲЛИЛИ

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси илмий тадқиқотчиси Ботирова Ҳалима Эшимаматовна.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларида қишлоқ хўжалиги моддий - техник таъминотининг оғирлиги, маблағнинг йўқлиги қатор муаммоларни юзага келтирди. Маҳсулот етказиб берадиган экин майдонлари мелиоратив ҳолатининг ёмонлиги, кўплаб экин майдонларини шўр босиб, ернинг захлаши ҳаддан зиёд кучайганлиги, ариқ-зовурларнинг кўмилиб кетиши туфайли тупроқнинг ҳосилдорлик ҳолати жиҳдий бузидди. Совет давлати даврида ҳукм сурган пахта якка ҳокимлигидан воз кечиш, экин майдонларининг асосий қисмини донли экинлар экадиган майдонга айлантириш, ҳалқнинг озиқ-овқат маҳсулотига бўлган талаб - эҳтиёжини қондириш муҳим масала бўлиб қолди.

Жаҳонда озиқ-овқат муаммоси ниҳоятда долзарб масала бўлиб бораётган ҳозирги даврда Ўзбекистонда сифатли қишлоқ-хўжалик маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун энг муҳим масала мутахассисларни билим савиясини юқори даражада кўтариши, ерга ва мулкга ҳамда техникани эгаллаш сифат самарадорлигини кўчайтириш асосий йўналиш эканлиги таҳлил қилинмоқда. Натижада ышлоқларда кластир асосида шакланаётган фермер хўжаликларига алоҳида эътибор берилиб, хўжаликларни ўзига мустақил бошқарув ҳуқуқлари берилмоқда. Чунки республикада дон мустақиллигига эришиш, шакар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлашни тиклаш йўли изчилилк билан амалга ошириш учун пахта экиладиган экин майдонлари 2 миллион гектардан 1,5 миллион гектарга қисқартирилиб, донли экинлар майдони 1,2 миллионга гектарга кенгайтириш асосида кундалик эҳтиёж ҳисобланган озиқ-овқат муаммосини ҳал қилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳаркатлар стратегиясида қайд этилган асосий масалалалардан келиб чиқиб Ўзбекистон ҳукумати мамлакатнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида донли экинларга алоҳида эътибор бериб, дон мустақиллигини таъминлаш борасида кескин чоралар кўрди. Донли экин майдонларини кенгайтириш билан бирга, унинг ҳосилдорлигини ошириш борасида бир қатор муҳим ишлар қилинди. Тарихий манбаларга эътибор берилса мамлакатда 1992 йили 52,20 минг гектар майдонга буғдой экилиб, 19,6 центнер ҳосил олиниб, сугориладиган экин майдонлари 34,13 минг гектарга етказилиб, ўртacha 28,2 центер ҳосил олинди¹. Бу кўрсаткичларга пахта экиш майдонларини камайтириш ҳамда янги ўзлаштирилган ерларнинг асосий қисмига донли экинларни экиш ҳисобига эришилди.

Аграр мутахассисларнинг ерга ва дехқончилик хўжалига муносабатидаги янгича замонавий ўзгаришлар Ўзбекистонни иқтисодий жиҳатдан юксалтиришда, унинг аграр соҳадаги ютуғи ниҳоятда муҳимдир. Бунинг катта аҳамиятта эга

¹ Ўзбекистон тарихи 11-синф учун дарслик. -Т.: «Шарқ» 1998. 210-212 б.

эканлигини Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев қўйидагича таъкидланган эди: «Бугун жамиятимиз шуни англаб олди-ки, ҳаётимизни яхшилаш, аҳоли турмуш даражасини кўтариш, иқтисодиётимизнинг самара-дорлигини ошириш, ҳалқимизни боқищ, истиқболимизни режалаш, хуллас, қандай муаммо, қандай масалани кўрмайлик, уларнинг аксарияти биринчи на-вбатда қишлоқ ҳўжалигига бориб тақалади. Ҳаммамизни боқадиган, озуқа берадиган соҳа қишлоқ ҳўжалиги тармоқлариридир»¹.

Шу кўрсатмалар асосида аграр мутахассисларнинг ерга ва дехқончилик ҳўжалига муносабатидаги янгича замонавий ўзгаришлар қишлоқ ҳўжалиги ҳозирги босқичда тубдан қайта ижобий ўзгаришларни ўз бошидан кечирмоқда. Дехқон меҳнатини қадрлаш, унинг меҳнатига ҳаққоний ҳақ тўлаш, совет тузуми даврида йўл қўйилган хато-камчиликларни бартараф этиш, аграр сиёsat соҳасида тўғридан-тўғри бериладиган кўрсатмалардан эҳтиёт бўлиш, ҳўжаликлар иқтисодий мустақиллигини ўз ихтиёрига бериш долзарб масала бўлди. Совет тузуми даврида чексиз янги ерлар ўзлаштирилиш натижасида катта экин майдонлари вужудга келтирилиб, юзлаб суғориш шохобчалари, ўнлаб сув омборлари қурилсада, дехқон турмушида ижобий ўзгаришлар бўлмади, қишлоқ ҳўжалигининг иқтисодий қудратини кўтариш борасида амалий ишлар қилинмади. Ўзбек дехқони, қишлоқ аҳолиси, аграр соҳа мутахассиси фақатгина мустақиллик туфайли ерга ҳақиқий ҳўжайин бўлиб қолганлигини Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев қўйидагича изоҳлади; “Ўзбекистон ҳалқи жонажон ўлкадаги бекиёс бойлиknинг абадул – абад ҳақиқий эгаси бўлиб қолди”².

Мустақилликнинг дастлабки йилларида пахта экин майдонларни камайтириши масаласи амалга оширилган бўлса - да, бунинг вазига пахта ҳосилдорлигини ошириш, бу соҳа учун зарур бўлган моддий-техник таъминотни яхшилаш борасидаги ишлар туфайли Ўзбекистон ўзининг иқтисодий қудратини сақлаб қолди. Ўзбекистонда пахтачиликка эътибор йилдан-йилга камайтириб борди, сабаби пахтани экспорт қилишга тааллуқли жаҳон миқиёсида катта қийинчиликлар пайдо бўлди. Пахта толласи экспортни камайиши натижада қишлоқ ҳўжалигига минглаб ишсизларни пайдо бўлишига сабаб бўлди, айниқса бу ҳолат қишлоқларда ўз таъсирини кўрсатди. Пахта экин майдонлари қисқариб, пахта етиштиришни режа асосида камайиши туфайли, қишлоқ ҳўжалигига таллуқли бошقا экин турларини купайиб боришига имконият яратсада, аграр соҳани ҳал қилувчи омили бўлган агроном мутахассисларга эътибони камайиши натижасида, экинларни навлари, турларини сифат даражаси анча пасайди. Буни Сурхондарё вилоятининг Шўрчи тумани мисолида тархий таҳлил қилиш мумкин. Тархий маълумотлар асосланган ҳолда Шўрчи туманида пахта экилган майдон 1991 йилда 10708 гектар, 1995 йилда 8313 гектар, 1998 йилда 8472 гектар, 2000 йилда 7679 гектар, 2002 йилда эса 8276 гектарга камайиб, пахта экин майдонларни бир қисми бошقا экин турларига ажратиб берилди. Шўрчи туманида ингичка толали пахта майдони 1991 йилда 10440 гектарни ташкил этиб, 2010 йиллардан бошлаб ингичка толали пахтани экиш деярли туманда тухтатилди³. Ўқорида келтириб ўтилган тархий маълумотларга асосланиб шуни қайд этиш кераки-пахтачиликда ишлаб хизмат қилиб келаётган минглаб кишилар ишсизлар сонига қўшилиб, улар иш ахтариб ҳўжаликнинг бошقا соҳаларига жойлашдилар.

Қишлоқ ҳўжалигига мутахассисларни жалб этилиши натижасида мевали

¹ Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 2-баённома, 1-хужжат, 2017 йил, 2 апрел, 3-бет

² Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 9-баённома, 3-хужжат, 2017 йил, 4 май , 5-бет

³ Турсунов С.Эшбоев К. Шўрчи тархидан лавҳалар.Т.; “Fan va texnologiya”. 2014 .(318) 241 бет

боғ-меварларга алоҳида эътибор фақат мустақиллик йилларида ривожлантирилиб, совет даврда йўқотилган боғ-мева навларни ва турларни тиклаш учун янги хўжаликлар ташкил этилди. Натижада мевачилик ва боғдорчилик хўжаликлар учун Шўрчи туманида 1991 йилда 462 гектар, 1995 йилда 460 гектар, 1998 йилда 400 гектар, 2000 йилда 392 гектар, 2002 йилда эса 360 гектар ер майдонлари ажратилиб, ушбу хўжаликларни моддий техник- қуввати оширилиб, қушимча маблағлар ажратилди¹.

Кишлоқ хўжалиги соҳасида мавжуд муаммоалар туфайли экин майдонларнинг ҳосилдорлиги пасайиб, ернинг мелиратив ҳолати ёмонлашиб, давлат режаларни бажарилишга тўсқилик қилиниш натижасида давлат режалари барбод бўлди. Бунинг асосий сабаби ушбу соҳа мутахассисларни асосий қисмининг қишлоқ хўжалик тармоқларидан четлаштирилди. Айниқса, Сурхондарё вилоятида қишлоқ хўжалик ходимларга эътибор йўқлиги туфайли белгиланган режалар бажарилмай, иқтисодий аҳвол қишлоқ муҳити йўналишда қийин вазиятларни келтириб чиқарди. Сурхондарё вилоятида 2007 йил Қизириқ (83,5 фоиз), Ангор (87,1 фоиз), Термиз (92 фоиз), Жарқўрғон (92,8 фоиз) ва Бандиҳон (94, 2 фоиз) туманларида пахта тайёрлаш бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмасдан қолиб, дехқонларимизнинг пешона тери тўкиб қилган меҳатига яраша даромад ололмаганини қандай баҳолаш мумкин"? Мамлакат мустақил ривожланишининг бошлангич босқичида, яъни 1991-2000 йилларда асосий эътибор марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам бериш ва бозор иқтисодиёти шаклланиши учун шарт-шароит, авваламбор, конунчиллик асосини яратишга каратилган эди.

Кейинги босқичда «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», «Хусусий корхона тўғрисида», «Валютани тартибга солиш тўғрисида», «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида »ги конунлар, янги таҳрирдаги Солик кодекси ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш буйича умумий хисобда 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари кабул килинди. Бу, нафақат иқтисодиётни янада либераллаштириш ва модернизация қилишга, балки ислоҳ хотларнинг изчилигини кафолатлади.

2008 Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш- давр талаби. 2009 йил 13 февраль. ЎЗ ВМ Мажлисидағи маърузасида: 2008 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 9 фоизни, саноатда 12,7 фоизни, жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда 17,7 фоизни ташкил этди, хизмат кўрсатиш ҳажми 21,3 фоизга ўсади. Иқтисодиётнинг бошқа муҳим тармоқлари ҳам барқарор суръатлар билан ривжланди: курилиш -8,3, транспортда юқ ва йўловчи ташиш ҳажми – 10,2 фоиз, савдо соҳаси- 7,2 фоизга ўсади. Қишлоқ хўжалигида 4,5 фоиз ўсишга эришилиб, 3 миллион 410 минг тонна пахта хом ашёси тайёрланди, 6 миллион 330 минг тонна ғалла, шу жумладан, 6 миллион 145 минг тонна буғдой етиштирилди"².

Ўзбекистони мустақиллиги йилларида жанубий ҳудудларда озиқ-овқат маҳсулотларни етиштириш масаласига эътибор қаратилиб, донли маҳсулотларни етиштириш ишлари соҳасидаги камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланиб соҳани ривожлантириш учун мутахассисларни моддий ва маънавий жиҳатдан қуллаб қувватлаш чора тадбирлари курилди. Чунки, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлиб озиқ-овқат масаласидаги аҳолини талаб эҳтиёжларни қондириш борасида қатор давлат дастурлари ишлаб чиқди. Чунки дастлабки йилларда донли экинларни етиштиришда қатор муаммоалар мавжуд бўлиб. буни Шўрчи

¹ Турсунов С.Эшбоев К. Шўрчи тарихидан лавҳалар.Т.; "Fan va texnologiya". 2014 .(318) 241 бет

² Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 2-баённома, 3-хужжат, 2017 йил, 15 май., 11-бет.

тумани мисолда изоҳлаш мумкин. Шу сабабли Шўрчи туманида 1991 йилда 38,9 центнер, 1995 йилда 27,2 центнер, 1998 йилда 58,2 центнер, 2002 йилда 32,7 центнер шоли етиштирилди¹.

Қишлоқ хўжалик соҳасида мутахассисларни билим тажрибаларни ошиши ва жаҳон андозаларига мос агарар бошқарув тизимини шакланиши туфайли мустақиллик йилларида агарар тармоқларда катта натижаларга эришилиб, ишлаб чиқариш соҳасида маълум натижалар қўлга киритилди. Агарар соҳа мутахассисларни ўз қасбига қизиқишини асосий сабаби давлат томонидан амалга оширилган ислоҳотларни амалий натижаси бўлиб, шахсий таморқаларни берилиши, фермер хўжаликларга ажратилган имтиёзлар, моддий маблағларни банк томонидан мунтазам ажратилиб берилиш сабаб бўлди. Хулоса қилиб шуни алоҳида таъкидлаш кераки маҳаллий мутахассисларни билим тажрибасидан фойдаланиш натижасида боғдорчилик-мевачилик соҳасида маълум силжишларга эришилиб, боғ-мевачиликни ривожлантиришга эътибор кучайтирилди. Сурхондарё ва Қашқадарё вилояти хўжаликларида узум ва боғдорчилик маҳсулотлари ҳам кўплаб етиштирилди. Боғбонлар етиштираётган ширин-шакар мевалар халқимизни дастурхонини ҳам безаб туриши натижасида обод ва фаровон қишлоқлари файзли ва кўркам бўлмоқда.



¹Турсунов С.Эшбоев Қ. Шўрчи тарихидан лавҳалар.Т.; “Fan va texnologiya”. 2014 .(318) 241 бет.

МУНДАРИЖА

Турсунов Сайтулла Нарзуллаевич. Жаҳон Темурийлар ва термиз шахри тарихи кафедраси мудири т.ф.д.профессор. Термиз давлат университети.3
Х.Х.Тўраев, Б.А.Холназаров Термиз давлат университети.	
Крахмал сополимерлари асосида сув ва минерал ресурсларни тежовчи Қишлоқ хўжалиги гидрогелларини синтез қилиш8
Ch.S.Saidov-Fizika-matematika fanlari doktori, ilmiy rahbar, M.D.Pardayeva-TerDU 1-bosqich magistranti.	Optik tolalar va ularning aloqa tizimlarida qo'llanilishi16
Dots. Mirzayev A. Q., Sharifi Abdul Fattoh, Quvonchiyeva M. TerDu magistrantlari.	Ishlab chiqarish imkoniyatlari va ulardan foydalanish19
Муқимова Г.Ж.ноорганик ва аналитик кимё кафедраси мудири,к.ф.н.,доцент, Тоштемиров А.2-курс магистр Оролов Т.А. кимё таълим йўналиши 4-курс талабаси.	Карбамидинг хоссалари, унинг металлар билан координацион бি-рикмалари23
Сайдов И.М. Самарқанд давлат университети тарихшунослик ва манба-шунослик кафедраси профессори, т.ф.д.	Аҳмад Найим (Ўқтам) – Германияда ўқиган Бухоролик биринчи иқтисодчи олим25
Хайтов Ш.А. Бухду Жаҳон тарихи кафедраси профессори, т.ф.д.	
Гофзоров Шокир. Самарқанд Давлат институти Гуманитар ва ижтимоий - иқтисодий фанлар кафедрасида тарих фанлари доктори, профессор, Турсунова Гавхар тадқиқотчи.	Манбаларда Россия империяси-туббийёт институти Гуманитар ва нинг Туркистонда мустамлакачи-лик сиёсатининг ёритилиши33
Акбаева Зебинисо Жалолитдиновна. Самарқанд давлат университети, Ўзбекистон тарихи кафедраси асси-стенти.	Туркистон ўлка мусулмонлар бю-росининг минтақадаги ижтимо-ий-сиёсий жараёнларга таъсири45
Ёқубова Диларам Таджиевна. Термиз давлат университетининг Денов фили-али тарих фани ўқитувчиси.	Пахта якка ҳокимлигининг оқибат-лари52
Турсунов Анвар Сайтуллаевич. Ўзбекистон Миллий Университети Ўзбекистон тарихи кафедраси илмий тадқиқотчи.	Термиз шахри тарихи хорижлик тадқиқотчilar асарларида55
Туропова Моҳидил Турдиевна. Термиз давлат университети «Жаҳон тарихи» кафедраси ўқитувчиси.	Россия тасарруфидаги шаҳарлар аҳолисининг ижтимоий-иктисодий ҳолати60
Хидиров Холмамат Джўраевич. Термиз давлат университети "Жаҳон тарихи" кафедраси илмий тадқиқотчи.	Тарихий манбаларда Термиз дарё порти64
Ботирова Ҳалима Эшмаматовна. Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси илмий тадқиқотчи.	Мутахассислар ва унинг аграр соҳамиз давлат университети Жаҳон тарихи тадқиқотчи70